



# 2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

Assalomu alaykum, azizlar!

# BESHARIQ TONGI

Beshariq tumani hokimligining ijtimoiy-siyosiy nashri

Gazeta 1932 yil 15-maydan chiqa boshlagan.

2023 YIL 10-IYUN  
SHANBA, № 24 (9061)  
(Bahosi kelishilgan narxda)

Gazeta haftada bir marta chiqadi



## САЙЛОВ – 2023

Мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён – 2023 йил 9 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади.

## НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ, ТАШВИҚОТ 7 ИЮНДАН БОШЛАНДИ

Шу йил 9 июль куни мамлакатимизда муддатидан илгари бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ишлари қизгин паллага кирмоқда. Сайловни муносиб ўтказиш мақсадида барча жараёнлар қонунчилигимизга мувофиқ тарзда бошқичма-бошқич олиб борилмоқда.

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти ва оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

– Сайлов кодексига кўра, сиёсий партиялар жами сайловчиларнинг камида бир фоизи миқдорда номзодларни қўллаб-қувватловчи имзоларни тўплаши керак, – деди Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Баҳром Қўчқоров. – Жорий йилнинг 31 май куни Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси, 1 июнь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олишни сўраб мурожаат этди ва номзодларни қўллаб-қувватловчи имзо варақаларини тақдим қилди. Марказий сай-

лов комиссиясининг эксперт гуруҳлари жорий йил 31 май-2 июнь кунлари юқоридаги 4 та сиёсий партия томонидан тақдим этилган фуқароларнинг номзодларни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини сайлов қонунчилиги талабларига қатъий амал қилган ҳолда текширди. Текшириш натижаларига кўра, эксперт гуруҳлари аъзолари сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзолар қонунчилик талабларига мувофиқ тўпланганлигини инобатга олиб, барча 4 та сиёсий партия томонидан тўпланган имзо варақалари улар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш учун етарли миқдорда ҳамда қонунчилик талабларига мос эканлиги тўғрисида хулосага келган. Марказий сайлов комиссиясининг ишчи гуруҳи Эксперт гуруҳлари томонидан тақдим этилган хулосаларни инобатга олган ҳолда ҳамда сиёсий партия тақдим этган ҳужжатлар қонунчилик талабига тўлиқ мос келиши, белгиланган тартибда ва муддатда мурожаат қилинганидан келиб чиқиб, сиёсий партиялар томонидан кўрсатилаётган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш юзасидан ўз хулосасини тақдим этди.

Мажлисида кун тартибидаги масала юзасидан МСҚ аъзоларининг фикр-мулоҳазалари тингланди. Шундан сўнг Халқ демократик партиясидан Улуғбек Илёсович Иноятовни, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-

демократик партиясидан Шавкат Миромонович Мирзиёевни, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Рабахон Анваровна Маҳмудовани ҳамда Ўзбекистон Экологик партиясидан Абдушукур Худойқулович Ҳамзаевни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини ўтказиш масалалари муҳокама этилди. Қонунчилигимизда белгиланган тартиб ва муддатлардан келиб чиқиб, Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти 2023 йил 7 июндан бошланиши қайд этилди ва қарор қабул қилинди.

Ташвиқот ишларини олиб боришда барча номзодлар учун тенглик тамойилига амал қилиниши таъкидланди. Хусусан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг республика ва ҳудудий телерадиоканалларида бепул ажратиладиган эфир ҳажми ва вақти, “Янги Ўзбекистон”, “Правда Востока”, “Халқ сўзи”, “Народное слово” каби Республика газеталарида ҳамда 24 номдаги маҳаллий газеталарда бепул ажратиладиган нашр майдони тасдиқланди. Таъкидландики, оммавий ахборот воситалари сайловолди ташвиқоти даврида бепул ажратиладиган эфир вақти ва нашр майдони доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти даврида чиқишлари учун зарур шарт-шароитлар яратди. Янгиланган дастурида ва бошқа ахборот материалларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди тадбирларини ёритишда тенглик принципи роя этиши лозим. Мажлисида оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган мурожаатлар асосида 9 та маҳаллий оммавий ахборот воситасининг 39 нафар вакили аккредитациядан ўтказилди.

Мажлисида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мухтарама Комилова,  
ЎЗА.

## РЕСПУБЛИКА СЕМИНАРИ

Туманда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлаш мавзусида республика кўргазмали семинари ўтказилди.

## ТАЖРИБАЛАР ЎРТОҚЛАШИЛДИ



Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича тўпланган тажрибалар кун тартибининг муҳим мавзусига айланди.

Республика Вазирлар Маҳкамаси котибият мудирини Н. Дўсматов раҳбарлигидаги бир гуруҳ Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ташриф буюрган ҳоким ўринбосарлари, оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиқлари, ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари Бешариқ туманида амалга оширилган ишлар ва тажрибалар билан ўртоқлашдилар. Айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, хусусан, ҳунармандчилик, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш борасида қилинган ишлар билан танишдилар.

Семинар иштирокчиларини туман ҳокими Р. Жўраев, ҳоким ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Г. Йўлдошева жойларда амалга оширилган ишлар ва тажрибалар билан таништирдилар. Тумандаги Абдуразақот ота, Раққон, Янгиқўрғон ва Тошариқ маҳалла фуқаролар йиғинларида бу борада тўпланган тажрибалар ўрганилди.

Ўзига хос тарзда ўтган республика семинарида очиқ-шорча фикр-мулоҳазалар, танқидий фикрлар билдирилди. Семинар иштирокчилари Бешариқ тажрибасини ўзлари фаолият юритаётган туман, шаҳар ва маҳаллаларда жорий этиш таклифини билдирдилар.

(Ўз мухбиримиздан).

СУРАТДА: семинар қатнашчилари бандлиги таъминланган аёллар билан суҳбатда.

## ФУҚАРОЛАР ҚАБУЛИ

### НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Туман «Халқ қабулхонаси»да навбатдаги фуқаролар қабули ўтказилди. Қабулда фуқаролар билан юзма-юз суҳбатлашиб, мурожаатлари эшитилди.

Очиқ мулоқот тарзидаги қабулда туман ҳокими, ўринбосарлари, мутасадди ташкилот раҳбарлари иштирокида

моддий ёрдам, ишга жойлаштириш, уй-жой, мерос, йўлларни таъмирлаш ва бошқа масалалардаги мурожаатлар кўриб чиқилди.

Тегишли ташкилот ва мутасаддиларга зарур чоралар кўриш юзасидан топшириқлар берилиб, ижроси назоратга олинди.





## САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ

**Президентимиз томонидан 2023 йил 6 майда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни имзоланди.**

## КОДЕКСДА НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?



Жумладан, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунга киритилган ўзгартиришга кўра фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни фуқароларнинг манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий ўзига хос хусусиятларидан, шунингдек, миллий қадриятлар, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, қонунга мувофиқ мустақил равишда ҳал этишга ҳақлидир. Сайлов кодексига эса оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар вилоят, туман, шаҳар, округ ва участка сайлов комиссияси аъзоси бўлиши мумкин эмаслиги, Президент мўддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлаган тақдирда сайлов ушбу Кодексга тўлиқ мувофиқ ҳолда 2 ой ичида ўтказилиши, бунда сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга до-

ир тадбирларни амалга ошириш мўддатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланиши кўрсатилган.

Қонунчилик палатаси Президент томонидан тарқатиб юборилган тақдирда Қонунчилик палатаси депутатларининг сайлови 3 ой ичида, Қонунчилик палатаси томонидан ўзини ўзи тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда эса Қонунчилик палатаси депутатларининг сайлови 2 ой ичида, Сенат Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тарқатиб юборилган тақдирда Сенат аъзоларининг сайлови ушбу Кодексга тўлиқ мувофиқ ҳолда 3 ой ичида ўтказилади.

Сенат томонидан ўзини ўзи тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Сенат аъзоларининг сайлови ушбу Кодексга тўлиқ мувофиқ ҳолда 1 ой ичида ўтказиш белгиланди.

**Н. САЛОМОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
туман суди судьяси.  
**Ф.СОБИРОВ,**  
ЖИБ Балиқчи тумани  
судининг раиси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 57 сонли қарорига асосан 2023 йил 1 апрелдан бошлаб умумий қуввати 100 кВтгача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган жисмоний ва юридик шахслар ушбу қурилмалар бўйича мол-мулк солиғи, қурилмалар билан банд бўлган участкалар бўйича ер солиғи ҳамда юридик шахслар томонидан умумий тармоққа сотган электр энергияси учун олган фойдасидан ҳисобланадиган фойда солиғини тўлашдан озод қилинади. Бунда улар фойдаланишга топширилган пайдан эътиборан уч йил мўддатга, ўрнатилаётган қуёш панелларининг қувватига нисбатан 25 фоиздан кам бўлмаган қувватга эга электр энергиясини сақлаш тизими билан ўрнатилган бўлса - ўн йил мўддатга озод этилиши белгиланган.

**А. ҲОШИМОВ,**  
туман ДСИ бош инспектори.

## ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ

## ҚУЁШ ПАНЕЛИГА СОЛИҚДАН ИМТИЁЗ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Давлат хизматлари кўрсатиши соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийларининг моддий таъминотини яхшилаш ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори асосида фуқаролардан қўшимча ҳужжатларни талаб этмаган ҳолда, проактив шаклда нафақа ва қўшимча тўловларни тайинлаш тизими жорий этиляпти.

Фуқароларга нафақа ва қўшимча тўловларни проактив шаклда тайинлаш бўйича давлат хизмати ўз вақтида ва сифатли кўрсатилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Мактабга ва мактаб таълими, Адлия, Камбағалликни қисқартириш

## ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ

## СОДДА ВА ҚУЛАЙ ТИЗИМ

**Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги шахсларга нафақа ва қўшимча тўловларни тайинлаш ҳамда тўлаш, соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали давлат хизмати сифатини ошириш такомиллашмоқда.**



ва бандлик вазирликлари ўзларининг тегишли ахборот тизимларини доимий равишда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ахборот тизими билан тўлиқ интеграция қилинган. 18 ёшгача болаликдан

ногиронлик, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик ва парварिश нафақалари проактив шаклда амалга оширилмоқда.

**Ф.ИВАДУЛЛАЕВ,**  
пенсия жамғармаси  
туман бўлими бошлиғи.

## ОДИЛ СУДЛОВ

## ИСЛОҲОТ АДОЛАТНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

**Сўнгги йилларда судларнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш йўлида муҳим қадамлар қўйилди.**

Суд ва судьялар фаолиятининг турли соҳаларида ечимини кутаётган бир қатор муаммолар соҳа экспертлари томонидан ўрганилди ва уларни ҳал этиш бўйича муайян амалий таклифлар ишлаб чиқилди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устувор эканлигини тасдиқловчи яна бир норма - қўшимча терговнинг бекор қилиниши бўлиб ҳисобланади. Бу қоида конституциявий норма - айбисизлик презумпциясининг мантикий ривожланиши бўлиб, тортишув ва тарафлар тенглиги, ҳақиқатни аниқлаш принциплари реал таъминланишига кафолат беради.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари институтининг ишончли кафолат этувчи муносабатлардан яна бири, бу - медиация-ярлаштириш институтини такомиллаштиришдир. Жисмоний ва юридик шахсларга ўзаро низоларни суддан ташқарида муқобил ҳал этиш имкони

берилиши, аввало, фуқароларга низоларни қисқа мўддатларда ечилишини, шунингдек, ортиқча маблағларнинг сарфланишига чек қўйилишини, турли оворонагарчиликларнинг олдини олиниши каби имкониятларни беради. Бу вазиятдан қутиладиган натижа эса тарафлар орасидаги ўзаро ҳурмат ва ишбилармонлик муносабатларини сақлашни қилиниши ҳисобланади.

Судда кўриладиган ва яқиний ҳал қилув қарорини чиқариш учун асос бўладиган қонун ҳужжатларининг ўзгариши, яъни у хоҳ техник ўзгариш бўлсин, хоҳ норманинг ўзгариши, бу факторлар ҳам суд томонидан ишни кўриш ва суд ҳужжатларини чиқаришда муҳим рол ўйнайди. Мисол сифатида 2023 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикасининг 829 сонли қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва

қўшимчалар киритилиши ҳақида баён қилинади. Кодекснинг 411-, 474-, 475-, 477-моддаларининг санкция қисмига бир қатор ўзгартириш киритилганини кўриш мумкин. Ушбу моддаларда: «ўн беш сутка мўддатга маъмурий қамоққа олишга ёки бир юз йигирма соатгача ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этишга ёхуд ушбу Кодексга мувофиқ маъмурий жазоларнинг мазкур турлари қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади», деб белгиланган.

Суд тизимида дескрипцион ваколатнинг кўпайиши, жазонинг миқдорини белгилаш бўйича ваколат берилиши суднинг адолатли суд ҳужжатларини чиқаришида асосий рол ўйнайди. Ҳар бир фуқаро, жавобгар, судланувчининг ҳолати, мотив, мақсади ва бошқа факторларни ҳисобга олган ҳолда бир турдаги қилмишининг объекти, объектив томонлари бир хил бўлса ҳам жавобгарнинг ҳолати, жазо ўташга бўлган шароит ва вазиятига қараб, суд томонидан санкция қисмини турли хил қўллаши мумкин. Қонундаги бу каби ўзгаришлар суд тизимида берилаётган ишончдир.

**Э. ИСМОИЛОВ,**  
фуқаролик ишлари  
бўйича Ўзбекистон  
туманлараро суди раиси.



## ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ОРҚАЛИ

**Савол: - Бино ва иншоотлар ижара шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби қандай?**



Бино ва иншоотлар ижара шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини амалга оширувчи субъект - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ҳисобланади. Хизматдан фойдаланувчилар юридик ва жисмоний шахслардир. Улар давлат хизматлари маркази ёки ЙИДХП - my.gov.uz орқали ариза беришлари мумкин.

Сўровномага ижара шартномаси илова қилинади ҳамда зарур маълумотлар сўровно-

мага киритилгандан сўнг ариза берувчи уни ўз ЭРИСИ билан тасдиқлайди.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун тўланадиган йиғим миқдори - БҲМнинг 1,5 баравари миқдорида. Давлат хизмати кўрсатилиши учун ЙИДХП орқали мурожаат этилганда, йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Ариза 1 иш куни мўддатида қўриб чиқилади.

**А.ТҲҲИЕВ,**  
туман адлия бўлими  
ДХМ алоқа оператори.



ҒАЛЛА - 2023

**Айни кунда фермер хўжаликлари ғаллазорларида меҳнат қайнамоқда. Қудратли комбайнлар кучидан унумли фойдаланган ҳолда бошоқли дон тез ва сифатли ўриб-йиғилмоқда.**



**ЭЛ РИЗҚИ ЙИҒИЛМОҚДА**

Туманимизда жорий йил бошоқли дон ҳосили учун 8800 гектар майдонда буғдой парваришланди. Ғалла ўрими мавсумини самарали ташкил этиш мақсадида туманда 30 та отряд тузилган. Отрядларга ўриб-янчилган донни ташиш учун 143 та юк автомашинаси, 9 та кўчма таъмирлаш устахонаси, ёнилғи-мойлаш материаллари билан узлуксиз таъминловчи транспорт воситалари биркирилган.

Туманда ғалла ўрим-йиғим мавсумининг бошланиши муносабати билан “Водий насли парранда” фермер хўжалигида соҳага масъул ташкилотлар мутасаддилари, мутахассислар, отряд раҳбарлари, фермерлар ва тажрибали ғаллакорлар иштирокида тадбир ўтказилди.



Тадбирда туман ҳоқими Р. Жўраев иштирок этди. Дастлаб ҳоқим ғалла ўримида тайёргарлик жараёнлари, комбайнларнинг мавсумга шайлик ҳолати билан танишди, фермер хўжалиги дала майдонида пи-



шиб етилган бошоқли дон ҳосилини кўздан кечирди. Сўнг у қишлоқ хўжалиги учун муҳим жараёнлардан бири – бошоқли дон ўрим-йиғим мавсумини тез ва қисқа кунларда, беталофат ва сифатли ўтказиш бўйича соҳа ходимлари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида гапирди.

Ғалласи ўриладиган дала майдони бошида сектор раҳбарлари, ҳоқим ўринбосарлари, мутасадди ташкилот раҳбарлари ва мутахассислар, нурунийлар ва уста деҳқонлар бу йилги ҳосилга барака тилаб, қўлларини дуога очишди.

Шу кундан эътиборан туманда ғалла ўрим-йиғим мавсуми бошланди.

**Р. МИРЗАҚУЛОВ.**

**СУРАТЛАРДА: мавсумолди тадбирдан лавҳалар.**

МАЖБУРИЙ ИЖРО

**Алимент ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатлари бўйича қарздор ва ундирувчилар билан олиб борилган профилактик суҳбатлар ва чора-тадбирлар натижасида кўплаб оилаларнинг моддий таъминоти яхшиланяпти, ҳатто, ота-оналарни яраштиришга эришиляпти.**

**ҚАРЗДОР ОТАЛАРГА ЖАЗО**



ФИБ Ўзбекистон туманлараро судининг 2015 йилдаги қарздор А.Ж.дан ундирувчи П.Ф. фойдасига 1 нафар вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун даромадининг 1/4 қисми миқдоридан алимент ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати бўйича давлат ижрочиси томонидан ота бир неча марта оғоҳлантирилди. Қарздор А.Ж. алимент тўлаши лозимлигини аниқ билгани ҳолда 11 ой давомида 12 694 000 сўм алиментни тўлашдан бўйин товлаб келди.

Қарздор А. Ж. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 47<sup>-</sup>моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлиги сабабли унга нисбатан тўпланган ҳужжатлар ЖИБ туман судига юборилди.

Туман судининг қарорига асосан А. Ж.га 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси қўлланилди.

Шунингдек, қарздор оталар С. Л. 36 ой давомида жами 55 395 792 сўм, Ж. С. 13 ой давомида 20 615 000 сўм алимент пулларини тўламаган. Шу сабабли ЖИБ туман судининг қарорига асосан ҳар бирига 15 суткадан маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

Бундан ташқари, суд мажлисида қарздор Б. Н. 4 713 412 сўм, Э. Ш. 30 006 054 сўм алимент пулларини тўлаб, қарздорликни тўлиқ қоплаганликлари сабабли уларга очилган маъмурий ишлар Маъмурий кодекснинг 271-моддасига асосан тугатилди.

**М. АҲМЕДОВ,**  
**МИБ туман бўлими**  
**давлат ижрочиси.**

**Ғалла ўрим-йиғими тобора қизиқ бормоқда. Йил бўйи ғалласига меҳр бериб парваришлаган, агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарган хўжаликлар йиллик режани барвақт уддаламоқда.**

**ИККИ ИШ КУНИДА РЕЖА БАЖАРИЛДИ**



“Vodiy agro cotton” фермер хўжалиги 25,7 гектар майдонда бошоқли дон парваришлади. Хўжаликнинг ишлаб чиқариш режаси 75,7 центнер, давлат хариди режаси 36,8 тонна, бижса савдолари орқали сотиш 29,4 тонна, кластер эҳтиёжи учун 23,7 тонна эди.

Хўжалиқда икки кун ичида давлатга 90,5 тонна дон сотилиб, зиммадаги шартно-

ма мажбурияти ортиғи билан адо этилди. Фермер хўжалиги жамоаси томонидан ҳар бир агротехник тадбирнинг ўз вақтида бажарилганлиги туфайли бу йил ҳар қачонгидан мўл ҳосил тўпланди.

Айни кунда ғалладан бўшаган майдонлар пешма-пеш шудгорланиб, такрорий экин экишга тайёрланмоқда.

**(Ўз мухбиримиздан).**

Судлар томонидан меҳнат низоларини кўришда бир ноқулайлик бор, бу олдинги Меҳнат кодексининг ўзбекча ва русча матнларидаги жумлаларнинг бир-бирига мувофиқ эмаслигидир. Масалан, аксарият меҳнат низолари интизомий жазо чорасини қўллаш билан боғлиқ бўлиб, эски Меҳнат кодекси 182-моддасининг бешинчи қисми: “Интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилади”, мазмунинда ифодаланган. Мазкур қисмда иккита ноаниқлик мавжуд, биринчиси, “узоғи билан” жумласи ходимнинг касал ва таътилда бўлган вақтини ҳисобга олишда ноаниқликни келтириб чиқаради. Чунки норманинг ўзида “узоғи билан” жумласи ишлатилмапти. Кодекснинг русча матни мазкур қисмида “но не позднее одного месяца со дня его обнаружения”, яъни бир ойдан кечиктирмасдан, деган жумла ишлатилган. Бу русча матнда тўғри қўлланилган бўлиб, ходимнинг касал ва таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасликка асос бўлади.

Шунингдек, мазкур қисмда келтирилган “Интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб”, жумласи бир ойлик

ЯНГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИ

**Маълумки, жорий йил 1 майдан янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси кучга кирди. Уни билиш, касби ва ёшидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро учун фойдадан ҳоли эмас.**

**НОҚУЛАЙЛИК БАРҲАМ ТОПДИ**

муддатнинг қайси вақтдан бошланишини аниқлаштирамайди, яъни иш берувчига ходимнинг ножўя ҳаракати маълум бўлган кунми ёки аниқланган ённки исботланган кунми, сабаби, иш берувчига интизомий жазо чорасини қўллаш учун муддатлар чегараланган. Ушбу муддатларга риоя этмаслик иш берувчининг буйруғи бекор қилинишига олиб келади.

Эндиликда мазкур ноаниқликлар янги таҳрирдаги Кодекснинг 314-моддаси биринчи қисмида аниқлаштириб берилиб, қуйидагича «Интизомий жазо интизомий қилмиш аниқланганидан кейин дарҳол, бироқ аниқланган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай қўлланилади, бунда вақтинча ишга лаёқатсиз бўлган давр ҳисобга олинмайди. Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатнома комиссия томонидан имзоланган кун хизмат текшируви натижалари бўйича аниқланган

интизомий қилмиш аниқланган кун, деб ҳисобланади» тарзида белгиланди.

Меҳнат интизоми билан боғлиқ яна бир муҳим янгилик - янги Меҳнат кодексининг 409-моддасига мувофиқ энди иш берувчилар уч ёшгача бўлган боласи бор ходимлар, агарда меҳнат интизомини мунтазам ёки бир маротаба қўпол тарзда бузсалар, шунингдек, ташкилот (унинг алоҳида бўлинмаси) ўз муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатлари билан бунга ваколат берилган юридик шахс органининг қарори билан тугатилганлиги ёхуд яқка тартибдаги тадбиркор томонидан фаолиятнинг тугатилганлиги муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкинлиги белгиланди.

**А.ФАРМОНОВ,**  
**туман адлия бўлими**  
**юридик хизмат кўрсатиш**  
**маркази бош юристконсулти.**



Умумтаълим мактабларида ўқишлар якунланиб, ўқувчилар ёзги таътилни бошладилар. Ёзги таътилда мароқли дам олиб, ҳар томонлама чиниқиб, янги ўқув йилига тайёрланиш ҳар бир ўқувчининг хоҳишидир.

## «ТОВУЛ» ОРОМГОҲИ ОЧИЛДИ



Мақтаб ўқувчиларининг ёзги таътилини мазмунли, таассуротларга бой, эсда қоларли тарзда ўтказишлари шарт-шароит яратиб бериш мақсадида Президентимиз ва ҳукуматимиз

томонидан кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Ёзги оромгоҳларнинг таълим ва фан ходимлари касба уюшмалари тасарруфига ўтказилиши бунинг яққол далилидир.

## ЁЗ - 2023

Туманимиздаги «Товул» оромгоҳи ёзги мавсумга пухта тайёрланди. Ўқувчиларнинг мароқли дам олишлари учун ҳамма шароит яратилди. Буни туман ҳокими Р. Жўраев куни кеча оромгоҳнинг очилиш маросимида алоҳида эътироф этди ва азиз ўқувчиларни, уларнинг ота-оналарини, барчани ушбу қувончли кун билан табриклади.

- «Ёз - 2023» мавсумида оромгоҳда 150 нафардан ортиқ болалар ёзги таътилни мароқли ўтказишади, - деди соҳа касба уюшма кенгаши раиси А. Бобо-жонов. - Оромгоҳда маънавият хонаси, кутубхона, расм, мусиқа, рақс, тикувчилик ва спорт тўғараклари йўлга қўйилган.

(Ўз мухбиримиздан).

**СУРАТЛАРДА: очилиш маросимидан лавҳалар.**

## СПОРТ



## ТУМАН БОСҚИЧИ ЯКУНИ

Маҳалла ёшлари ўртасида спортнинг футбол тури бўйича «Давлат хавфсизлик хизмати раиси кубоги» мусобақаларининг туман bosқичи якунига етди. Бахсларда тумандаги барча маҳалла фуқаролар йиғини жа-

моалари иштирок этди. Финал ўйинида олдинги bosқичларда муваффақият қозongan Бешариқ ва Чорбоғтўронғи маҳаллаларидаги ёшлардан иборат жамоалар тўп сурдилар. Мурасасиз баҳсда

3-сектор ҳудудидаги Бешариқ маҳалласи ёш футболчилари пенальтилар сериясида ғалаба қозонишди ва туман чемпиони сифатида мусобақанинг вилоят bosқичига йўланма олишди.

Спортнинг мини футбол ва футбол тури бўйича ғолибликни қўлга киритган маҳалла фуқаролар йиғини жамоалари ҳам аниқланди. Мини футбол бўйича Юқори Зарқайнар, Чимбой, Қуйи Товул МФЙлар ғолиб, деб топилди. Футбол тури бўйича ғолиблик Бешариқ, Чорбоғтўронғи, Қум МФЙлари жамоаларига берилди. Қизлар ўртасида мини футбол бўйича Ариқбоши, Кўркам, Юқори Товул МФЙ жамоалари ғолибликни қўлга киритди.

Мусобақа якунида туман ҳокими ўринбосарлари, сектор раҳбарлари, ДХХ ҳамда фавқулодда вазиятлар туман бўлимлари бошлиқлари, ўринбосарлари ғолиб ва совриндорларга медаль, диплом ва эсдалик совғаларини топширдилар.

«Бешариқ тонги» мухбири.

## ШАЙДОН ТУРНИРИ ҒОЛИБЛАРИ



Қўшни Тожикистон Республикасининг Шайдон шаҳрида каратэ спортининг шотокан йўналиши бўйича нуфузли халқаро турнир бўлиб ўтди.

Мусобақада республикаимиз шарафини ҳимоя қилган «Бек-каратэ» клуби ёш крaтэчилари салмоқли натижаларга эришдилар.

- Ушбу халқаро турнирда туманимиздан 12 нафар ёш спортчилар ўз иқтидорларини намойиш

этишди, - дейди «Бек-каратэ» клуби раҳбари, IV ДАН қорабелбоғ эгаси Д. Ашурматов биз билан суҳбатда. - Улардан 6 нафари барча рақибларни енгиб, турнир ғолиби бўлишди, бир нафари учинчи ўрин билан кифояланди. Иқтидорли каратэчиларимиздан Шохнурбек Турсунов 35 кг., Отабек Музаффаров 30 кг., Маликаҳон Муродалиева, Лайлохон Абдумажидова 40 кг., Набиулло Ашурматов



45 кг., Шохзодбек Толибов 65 кг. вазнларда биринчи ўринни қўлга киритишди, Камронбек Орифжонов 30 кг. вазнлилар ўртасида учинчи ўрин соҳиби бўлди.

Спортчиларимиз айна кунда бўлажак халқаро мусобақаларга ва кузда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига мураббийлари кўмағида қизғин тайёргарлик кўришмоқда.

Р. МИРЗАҚУЛОВ.

ДИҚҚАТ, ТЕМИР ЙЎЛ!

## ЭНГ ХАВФЛИ ҲУДУД

Республикаимиз вилоятларида жойлашган темир йўл ҳудудида ҳушёрликни ошириш мақсадида шаҳар, туман муассасаларида, маҳалла фуқаролар йиғинларида фуқаролар ва ёшлар ўртасида темир йўлдан ўтиш қоидалари юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Шунга қарамасдан шашма-шошарлик, эҳтиётсизлик ва бепарволик оқибатида темир йўл кесишмаларида поездлар билан автотранспортлар тўқнашувлари, фуқароларни уриб кетиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда.

2023 йилнинг ўтган даври мобайнида йўл қўйилган ҳолатлар таҳлил қилинганда, темир йўл кесишмаларида содир этилаётган тўқнашувлар автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини қўпол тарзда бузишлари оқибатида, поездлар уриб кетиш ҳолати таҳлил қилинганда, фуқароларимизнинг эҳтиётсизлиги, бепарволиги ҳамда темир йўлдан ўтиш қоидаларига риоя қилмасликлари орқасидан содир этилаётгани аниқланди.

Ҳозирги кунда ҳудудимизда

қатновчи йўловчи поездлар соатига 115 км., юк поездлари соатига 80 км. тезликда ҳаракатланмоқда.

**Ҳурматли ҳайдовчилар!**

Темирйўл кесишмаси йўлнинг энг қийин ва хавфли участкаларидан бири бўлиб, диққатни жамлашни ва йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишни талаб этади. Ўзингизни, йўловчиларингизни, поездлардаги одамларни ва ўтиш жойини хавф остига қўйманг. Оилангиз ва дўстларингиз саломатлиги сизга боғлиқ. Дақиқаларни тежайман, деб сиз юзлаб одамларни бахтсиз қилишингиз мумкинлигини унутманг

**В. ОМОНОВ,**

«Ўзтемирйўл назорат» инспекцияси Фарғона ҳудудий шўъба бош инспектори.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Бешариқ тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотларига 2023-2024 йил харажатлар сметасида ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан оқилона, самарали фойдаланиш ҳамда товар, (иш ва хизматлар) сотиб олиш мақсадида танлов савдолари ҳар ойнинг 20-санасида туман ММТ бўлимида ўтказилишини маълум қиламиз.

Хурматли тадбиркорлар, сизларни қўйида кўрсатилган маҳсулотларингиз, нархлар пакети билан танловда иштирок этишга таклиф қиламиз.

**Давлат мактабгача таълим ташкилотларида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича ўтказилаётган танловнинг ТЕХНИК ТАЛАБЛАРИ**

**Озиқ-овқат маҳсулотлари.** Нон 1-навли (500 г., витамин ва минераллар билан бойитилган), буғдой уни 1-навли, мевали кисел тайёрлаш учун крахмал, ёрмалар, макарон маҳсулотлари, шу жумладан, мош, шакар, қандолат маҳсулотлари (мураббо, джем, гематоген ва бoshқалар), сариёғ, ўсимлик ёғи, табиий сут, кефир, йогурт, сметана, творог, пишлоқ, гўшт (мол гўшти, қўй гўшти, парранда гўшти, қуён гўшти), балиқ (тозаланган ва музлатилган), тухум (дона), картошка, сабзавотлар, шу жумладан, томат пастаси. Мевалар, мева шарбатлари, витаминли ичимликлар, қуруқ мевалар, чой, какао, йодланган туз, ачитқилар (дрожлар).

**ТУМАН МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ.**

### ҲИСОБОТНИ УНУТМАНГ

Туманимизда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари хўжалик фаолияти тўғрисидаги 4 fx shakli чораклик давлат статистика ҳисоботини ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-санасидан, яъни 2023 йилнинг 5 июлдан кечиктирмай электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда eStat 4.0 дастури орқали тақдим этишларини сўраймиз.

**ТУМАН СТАТИСТИКА БЎЛИМИ.**

### ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

«Бешариқ тонги» газетаси таҳририяти жамоаси «Ҳапалак омад фaйз» фермер хўжалиги раҳбари Абборжон Муллаевага онаси **Марҳаматой МУЛЛАЕВА** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

30-мактаб жамоаси шу мактаб ўқитувчиси С. Деҳқоновага акиси **Собитали ДЕҲҚОНОВ** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:  
BESHARIQ TUMANI  
HOKIMLIGI  
Tuman hokimligining rasmiy veb-sayti www.beshariq.uz



Bosh muharrir  
Sobirjon TEMIROV  
Mas'ul navbatchi  
Rahimjon MIRZAQULOV  
Sahifalovchi  
R. RAZZOQOV

Tahririyat manzili:  
150301. Beshariq shahri,  
Cho'pon ko'chasi, 22-uy.  
beshariqtongi12@umail.uz  
Telefonlar:  
Muharrir: (73) 612-14-12  
Hisobchi: (73) 612-14-13

Gazeta tahririyat komp'yuterida terilib, sahifalandi va «Andijon nashriyot-matbaa» MChJ bosmaxonasida ofset usulida chop etildi.

Bosmaxona manzili: Andijon shahri, Navoiy shohko'chasi, 71-uy.  
Nashr ko'rsatkichi - 7577.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Matbuot va axborot agentligining Farg'ona viloyat hududiy boshqarmasida 9. 01. 2007 yilda 12-021 raqami bilan ro'yxatga olingan.  
Bichimi: A-3. Adadi 5125  
Buyurtma:  
Topshirish vaqti: 14.00  
Topshirildi: 15:00